

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 60-ҳадис

60 - عَنْ عَبْدِ بْنِ الصَّامِتِ، يَبْلُغُ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ».

[خ 756، م 394، ت 247، س 910، د 822، ج 837].

Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Фотиҳатул Китоб»ни*** ўқимаганнинг намози йўқдир», дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

* Фотиҳатул Китоб - Фотиҳа сурасининг номларидан бири бўлиб, «Қуръон очқичи» деган маънони англатади.

Изоҳ: Уламолар: «Бу ва шунга ўхшаш ҳадислардаги «намози йўқ», «иймони йўқ» каби ибораларда ўша намоз ва иймоннинг комил шакли назарда тутилган», дейишади. Масалан, «Омонати йўқнинг дини йўқ», деганда комил диндорлик назарда тугилади, буткул динсизлик эмас. Шу боис ҳанафий мазҳаби уламолари намозда Фотиҳа сурасини ўқишни вожиб дейишган.

Манба: hadis.islom.uz



